

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**КУРБАННИЯЗОВА ЮЛДУЗ АЛЛАБЕРГАНОВНА**

**GLYCIRHIZA GLABRA, HIPERICUM SCABRUM, ZIZIPHORA  
PEDICELLATA VA MEDIAZIA MACROPHYLLA ЎСИМЛИКЛАР  
ЭКСТРАКТЛАРИ АРАЛАШМАСИНИНГ ANТИГИПОКСИК  
ФАОЛЛИГИНИ ЎРГАНИШ**

**14.00.17 – Фармакология ва клиник фармакология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2024**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Курбанниязова Юлдуз Аллабергановна**

Glycirhiza glabra, Hipericum scabrum, Ziziphora pedicellata va Mediazia macrophylla ўсимликлар экстрактлари аралашмасининг антигипоксик фаоллигини ўрганиш..... 3

**Курбанниязова Юлдуз Аллабергановна**

Исследование антигипоксантной активности смеси растений:  
Glycirhiza glabra, Hipericum scabrum, Ziziphora pedicellata  
и Mediazia macrophylla..... 23

**Kurbanniyazova Yulduz Allaberganovna**

Study of antihypoxant activity of Glycirhiza glabra,  
Hipericum scabrum, Ziziphora pedicellata and  
Mediazia macrophylla plants mixture..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 47

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**КУРБАННИЯЗОВА ЮЛДУЗ АЛЛАБЕРГАНОВНА**

**GLYCIRHIZA GLABRA, HIPERICUM SCABRUM, ZIZIPHORA  
PEDICELLATA VA MEDIAZIA MACROPHYLLA ЎСИМЛИКЛАР  
ЭКСТРАКТЛАРИ АРАЛАШМАСИНИНГ АНТИГИПОКСИК  
ФАОЛЛИГИНИ ЎРГАНИШ**

**14.00.17 – Фармакология ва клиник фармакология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2024**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.4.PhD/Tib3183 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашининг веб-саҳифасида ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Раҳманов Алишер Худайбердиевич**  
тиббиёт фанлари доктори

**Расмий оппонентлар:**

**Даминова Лола Тургунпўлатовна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Исламова Жаннат Икрамовна**  
тиббиёт фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Абу Али Ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашининг 2024 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: [tta2005@mail.ru](mailto:tta2005@mail.ru)).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2024 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.

(2024 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**А.Г. Гадаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Д.А. Набиева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**А.Л. Аляви**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Маълумки, гипоксия турли хил патологияларнинг ривожланиши ва оқибатини белгиловчи универсал патологик жараёнлардан бири ҳисобланади. Шунингдек, гипоксия оғир ҳолатлар патогенезида етакчи омил бўлиб, патологик ва компенсатор-адаптив жараёнларнинг мураккаб комплекси ишга тушишига олиб келади. Гипоксия билан боғлиқ органлар ва тизимлар фаолиятининг бузилишлари муҳим ижтимоий муаммога айланмоқда, чунки атроф-муҳитнинг саноат таъсирида ифлосланиши, баланд тоғли ҳудудлар, коинот ва океан чуқурликларини ўзлаштирилиши туфайли турли хил соҳалардаги тадқиқотчиларнинг ушбу муаммога қизиқиши ортиб бормоқда. Организмни гипоксияга нисбатан реакциясини енгиллаштирадиган ёки ҳатто унинг ривожланишига тўсқинлик қиладиган, постгипоксик даврда тўқималар фаолиятини нормаллашишини тезлаштирадиган ва организм ёки алоҳида органларнинг гипоксияга нисбатан чидамлилигини оширадиган моддалар антигипоксиклар фармакологик гуруҳига киради. Ҳозирги кунда 400 дан ортиқ моддаларда антигипоксик фаоллик аниқланган, аммо уларнинг бир нечасигина махсус гипоксияга қарши таъсирга эга воситаларга қўйиладиган талабларга жавоб бера олади. Бундан ташқари, маҳаллий антигипоксиклар фармацевтика бозорида мавжуд эмас. Шу сабабли, янги антигипоксик воситаларни излаб топиш ва тадқиқ қилиш фармакологиянинг долзарб муаммоси бўлиб қолмоқда.

Жахонда бугунги кунда доривор ўсимликларга қизиқиш тобора ортиб бормоқда, дунёда фармацевтика корхоналарида ишлаб чиқарилаётган дори воситаларининг тахминан 50% қисми доривор ўсимликлар хом-ашёсидан тайёрланмоқда. Бутун дунё пандемиясида инсонлар соғлиғига алоҳида эътибор бериши, саломатлик сирларидан хабардорлиги ортиши, кекса ва сурункали касалликларга чалинган инсонлар асосан табиий воситаларни афзал кўриши, уларнинг мутлоқ зарарсизлиги ва фойдаси ушбу соҳада илмий тадқиқотларга инвестициялар хажмини ва халқаро бозорлардаги доривор ўсимликларга бўлган талабни кескин ортишига сабаб бўлди.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлашни ривожлантириш, тиббиёт муассасаларини замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жихозлаш, юқумли касалликларнинг олдини олиш ва даволашни такомиллаштириш, уларнинг сони ва асоратларини камайтириш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири бўлмоқда. Ўзбекистонда доривор ўсимликларнинг 700 дан ортиқ тури мавжуд. Шулардан табиий шароитда ўсадиган ва маданийлаштирилган 120 га яқин ўсимлик турларидан илмий ва халқ табobatiда фойдаланилади. Турли касалликлар, хусусан, турли этиологияли гипоксияни камайтиришга қаратилган ушбу вазифаларни мақсадли амалга оширилиши натижасида аҳолининг турли қатламлари ўртасида ногиронлик ва ўлим кўрсаткичлари камайишига эришилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 20 майдаги ПФ-139-сонли “Доривор ўсимликлар хомашёси базасидан самарали фойдаланиш ва

уларни қайта ишлашни қўллаб-қувватлаш орқали қўшилган қўшимча қиймат занжирини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2018 йил 14 февралдаги ПҚ-3532-сонли “Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ва 2019 йил 6 майдаги ПҚ-4310-сонли “Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва фан тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2022 йил 20 майдаги ПҚ-251-сонли “Доривор ўсимликларни маданий етиштириш, қайта ишлаш ва даволашда кенг қўллашни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда ушбу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Диссертация ишининг мавзуси организмни турли хил гипоксияга чидамлилигини оширадиган янги фитокомплексни фармакологик ўрганишга бағишланган. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишига VI. «Тиббиёт ва фармакология» мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.**

Узоқ вақтлар давомида бутун дунё халқларининг асосий доривор воситалари шифобахш ўсимликлар хомашёси асосида тайёрланиб келинган. В.Душенков, И.Раскин маълумотларига қараганда 20000 га яқин турли оддий молекуляр моддалар фақат ўсимликлардан ажратиб олингандир. Шунинг учун ҳам кейинги ўн йилликларда шифобахш ўсимликларга қизиқиш яна ортмоқда, чунки улар хом ашёси асосида тайёрланган доривор воситалар - витаминлар, биологик фаол бирикмалар ва минерал моддалар инсон организмига жуда самарали таъсир этади.

Дунё олимлари доривор ўсимликларнинг турли хусусиятлари, жумладан антигипоксанти ва антиоксиданти хоссаларини ўрганиб келишмоқда. (В.Д.Лукиячук ва Л.В.Савченкова 1998, Д.В.Сосин ва бошқалар 2015). Турли гипоксия шароитида организмларнинг омон қолиш даражасини оширишга имкон берувчи, металл комплекслари ва аминотиолли бирикмалар қаторига кирувчи  $\alpha$ -токоферол ва  $\beta$ -каротин билан комплексли олигопептидлардан янги антигипоксантиларни яратиш бўйича катта ҳажмдаги ишларни амалга оширганлар. (А.В.Евсеев, Ю.В.Болдирев, И.А.Лебедев ва бошқалар 2018). Бир қатор олимлар гипоксиянинг ривожланиш механизмлари ва антигипоксантиларнинг самарадорлигини ўрганиш бўйича кенг қўламли тадқиқотлар ўтказганлар (Зыблев С.Л. ва бошқалар, 2016; Ключникова Э.А. ва бошқалар, 2017; Лукянова Л.Д., 2019; Приходко В.А. ва бошқалар, 2021; Алберов Р.Г. ва бошқалар, 2022). Шу билан бирга, хорижий мамлакатлар олимлари томонидан антигипоксантиларнинг самарадорлигини аниқлаш бўйича клиник ва экспериментал тадқиқотлар ўтказганлар (Wenzei D. et al., 2013; Sosin D.V. et al., 2015; Duan E.H. et al., 2017; Wong B.W. et al., 2017; Chen P.S. et al., 2020; Prikhodko V.A. et al., 2021).

Ўзбекистон Республикасининг доривор ўсимликларини ўрганиш, захирасини аниқлаш, ўстириш, интродукция қилиш, хомашёсини тайёрлаш,

биокимёвий таркибини ўрганишда К.З. Зокиров, Х.А. Абдуазимов, П.Х. Йулдошев, Н.К. Абубакиров, А.Я. Бутков, И.К. Комилов, К.Х. Хожиматов, И.И. Мальцев, И.И. Гранитов, А.Г. Курмуков, И.В. Белолипов, Р.Л. Хазанович, М.Б. Султонов, Ф.С. Садриддинов, П.К. Зокиров, С.С. Сахобиддинов, Х.Х. Холматов, Ю.М. Мурдахаев, Б.Ё. Т'ухтаев ва бошқаларнинг хизматлари салмоқлидир. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси олимлари томонидан самарали антигипоксантиларни яратиш бўйича фармакологик тадқиқотлар олиб борилган (Курмуков А.Г. ва бошқалар, 1989; Абдуллаҳаджаева Д.Г., 1990; Назруллаев С.С., 1994; Зияева А.В., 1997; Ҳакимов З.З. ва бошқалар; 1919; Сыров В. Н. ва бошқалар, 2020).

Бироқ, гипоксиянинг олдини олиш учун ҳар хил турдаги яратилган фармакологик воситаларни жуда кўп бўлишига қарамай, бугунги кунгача уларнинг самарадорлиги тиббиёт ходимларини қониқтирмайди. Бундан ташқари, гипоксик ҳолатлар ривожланишини турли бўғинларига ижобий таъсир кўрсатадиган кўп компонентли воситалар етарли эмаслиги, диссертациянинг мақсади ва илмий-амалий аҳамиятини белгилаб беради.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Ушбу тадқиқот Тошкент Тиббиёт Академиясининг 01.1800223 «Баъзи патологик ҳолатларни ривожланишининг молекуляр ҳужайравий механизмлари ва уларни тузатиш» (2019-2022 й.) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** табиий ўсимликлардан тайёрланган кам захарли глизимед фитокомпозициясининг антигипоксанти ва актопротектив таъсирлари, шунингдек даволовчи таъсирининг баъзи патогенетик механизмларини баҳолашдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

доривор ўсимликлар экстракти аралашмасини гипоксиянинг турли моделларида организмни чидамлилигини оширишда самарадорлигини баҳолаш;

фитокомплекснинг антигипоксик фаоллигини гипоксиянинг турли моделларида фитин ва пирасетам билан қиёсий баҳолаш;

глизимедни гиперкапнияли нормобарик гипоксияда антигипоксик таъсирининг асосий механизми сифатида эркин радикалли оксидланиш интенсивлигини ўрганиш;

гиперкапнияли нормобарик гипоксияда глизимедни углевод алмашинуви ҳолатига таъсирини қиёсий жиҳатдан аниқлаш;

глизимеднинг актопротектив фаоллигини баҳолаш;

глизимедни токсикологик хусусиятларини тадқиқ қилиш;

**Тадқиқот объекти** сифатида доривор ўсимликлар мажмуаси: ширинмия илдизи, далачай, кийик ўти ва алқор ўти олинган.

**Тадқиқот предмети** сифатида гипоксиянинг турли моделлари ҳосил қилинган сичқонлар ва каламушлар каби лаборатория ҳайвонлари олинган.

**Тадқиқот усуллари.** Диссертация тадқиқотлари ТТА, Биотиббиёт технологиялар маркази базасида физиологик, фармакологик,

фармакодинамик, биокимёвий, инструментал ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

Ўзбекистон худудида ўсувчи ширинмия илдизи, далачой, кийик ўти ва алқор ўти ўсимликларидан ажратилган қуруқ экстрактини гипоксиянинг турли экспериментал моделларида биринчи марта антигипоксантик хоссасига эга эканлиги, ҳамда ушбу фитокомпозиция фитин ва айниқса пирацетамдан устунлиги аниқланган;

глизимеднинг антигипоксантик хоссасининг таъсир механизми кўп жихатдан антиоксидант тизим ферментларининг фаоллигини ортиши туфайли эркин радикаллар таъсирида оксидланиш жараёни жадаллигини сусайиши натижасида хужайраларни апоптозини бартараф этиш билан боғлиқлиги асосланган;

пирацетам, фитин ва айниқса глизимеднинг антигипоксантик хоссаси эритроцитларнинг захарларни шимиш, ўрта молекуляр пептидлар концентрациясини камайиши ва парамецийлар яшаш вақтини узайишида намоён бўлган эндоген захарланиш синдроми даражасини пасайтириши аниқланган;

илк бор тажрибаларда глизимед таъсирида жисмоний зўриқишга чидамлилиқ ва уни сақланишини ортиши, ҳамда мушаклар кучини юқори бўлиши ушбу фитокомпозициянинг актопротекторлик фаоллигини таъминлаши аниқланган.

**Тадқиқот ишининг амалий натижалари** куйидагилардан иборат:

гистотоксик, гемик, нормабарик ва гипобарик гипоксия моделларида ўтказилган экспериментал тадқиқотларда аниқландики, ширинмия илдизи, далачой, кийик ўти ва алқор ўти ўсимликларидан ажратилган қуруқ экстрактлари таркибидаги флаваноидлар йиғиндиси юқори даражадаги антигипоксантик фаолликка эга эканлиги аниқланган;

ширинмия илдизи, далачой, кийик ўти ва алқор ўти ўсимликларидан ажратилган қуруқ экстракти ўзининг фармакологик фаоллиги бўйича антигипоксантик пирацетамдан кам эмаслиги исботланган;

олинган натижалар гипоксия ҳолатларини профилактикаси учун янги самарали восита яратиш ва маҳаллий хомашёдан ишлаб чиқарилган, иқтисодий жиҳатдан самарадор бўлган антигипоксантиклар арсеналини кенгайтириш имконини беради.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** экспериментал тажрибаларда олинган натижалар етарли миқдорда лаборатория хайвонларида, физиологик, фармакологик, фармакодинамик, биокимёвий, инструментал ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланган ҳолда олинганлиги ва натижаларни статистик қайта ишланганлиги, тадқиқот натижаларини амалий жиҳатдан бажарилиши, уларни республика ва халқаро конференцияларда кўп мартаба муҳокамадан ўтганлиги, натижаларни тақриз қилинадиган илмий нашрларда эълон этилганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**



Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти доривор ўсимликлар курук экстракти сақловчи глизимеднинг таъсир қилиш механизмида ёғ кислоталар оксидланишини ингибирлаши, гипоксияда ривожланадиган патологик жараёнларнинг ижобий томонга ўзгариши, анаэроб гликолиз маҳсулотларини камайтириши, антиоксидант тизим ферментлар фаоллигини ошириши, шу билан бирга патогенезида гипоксия бўлган кўпгина касалликларда даволовчи ва профилактик таъсир самарадорлигини ошириши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти глизимед фитойиғмаси синтетик воситаларга нисбатан муайян фармакотерапевтик афзалликларга эга бўлиб, юрак қон-томир ва нафас тизими касалликлари авж олаётган бугунги кунда маҳаллий маҳсулотлардан юқори фармакологик фаолликка эга бўлган, кам захарли, олинishi ва ишлаб чиқарилиши арзон бўлган, импорт ўрнини босувчи восита, тежамкор антигипоксантилар сонини кенгайтириши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тошкент тиббиёт академиясининг Мувофиқлаштирувчи Эксперт кенгашининг 2023 йил 13 декабрдаги 12/055-сон хулосасига кўра:

олинган натижалар глизимед фитойиғмасини гипоксия ҳолатларини даволаш ва профилактикасида қўлланивчи пирацетам препаратидан қолишмаслигини асослади. 2022 йилда республикага импорт бўлган биргина пирацетам дори воситасининг ҳажми 1 020 575 АҚШ долларини ташкил этишини инобатга олинса ушбу препарат юқори иқтисодий самарага эга эканлиги маълум бўлади;

яратилган янги фитойиғма патогенезида гипоксия бўлган кўпгина касалликларда даволовчи ва профилактик таъсир кўрсатади. Республикамиз ҳудудида ўсувчи доривор ўсимликлардан олинган бу курук экстракт юқори иқтисодий самарага эга. 2022 йилда республикага импорт бўлган биргина пирацетам дори воситасининг ҳажми 1 020 575 АҚШ долларини ташкил этган;

доривор ўсимликлардан тайёрланган глизимед воситаси синтетик дори воситаларига қараганда кам захарли ва таннархи арзон эканлиги аниқланди. Ҳозирги кунгача глизимед фитойиғмасининг лаборатор таннархи бошқа антигипоксанти препаратлардан арзон бўлганлигини ҳисобга олиб, ушбу препарат юқори иқтисодий самарага эга эканлиги маълум бўлади;

2022 йилда республикага импорт бўлган биргина пирацетам дори воситасининг ҳажми 1 020 575 АҚШ долларини ташкил этишини инобатга олинса ушбу препарат юқори иқтисодий самарага эга эканлиги маълум бўлади (маълумот “drug audit” маълумотлар базасидан олинган).

Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: Курбанниёзова Юлдуз Аллабергановнанинг “*Glycyrhiza glabra*, *Hipericum scabrum*, *Ziziphora pedicellata* ва *Mediizia macrophylla* ўсимликлар экстрактлари аралашмасининг антигипоксик фаоллигини ўрганиш” мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига Тошкент тиббиёт академиясининг 2022 йил 28-ноябрдаги 03-4765-сонли хат юборилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация мавзуси бўйича тадқиқот натижалари асосида 4 та илмий-амалий анжуман шу жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика даражасидаги конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш нашр этилган, шулардан Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 8 та, жумладан, 4 та маҳаллий ва 4 та хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 98 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти, мақсади ва вазифалари, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва техника тараққиётининг устувор йўналиши билан мувофиқлиги асослаб берилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, шунингдек, диссертация мавзусини диссертация бажарилган муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан мослиги кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқот объекти, предмети ва тадқиқот усуллари кўрсатиб ўтилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилиши, нашр этилган ишлар тўғрисидаги маълумотлар ва диссертациянинг тузилиши ҳақидаги маълумотлар очиқ берилган.

Диссертациянинг биринчи бобида **«Гипоксия патологик ҳолатлар ривожланишида асосий патогенетик бўғини. Хужайралар гипоксияси ривожланишига олиб келадиган механизмлар. Замонавий антигипоксантилар»** турли хил гипоксик ҳолатларни ривожланиши ва кечиши хусусиятлари, шунингдек, турли патологик ҳолатларда орган ва тўқималарда кислород танқислигини бартараф этиш учун антигипоксантиларни қўллаш бўйича хорижий ва маҳаллий даврий нашрлардаги маълумотлар тавсифланган.

Диссертациянинг **«Тадқиқот материаллари ва услублари»** деб номланган **иккинчи бобида** диссертацияда қўйилган вазифаларини ҳал этиш учун қўлланилган тадқиқот объекти тавсифи, услублари ва услубий ёндашувлари баён этилган. Барча экспериментал тадқиқотлар тана вазни 18-24 г бўлган эркак оқ сичқонларда, тана вазни 140-165 г эркак оқ каламушларда, тана вазни 2,2-2,8 кг бўлган қуёнларда ҳам ўтказилди.

Тадқиқотларни антиоксидантлик хоссалари аниқ бўлган қуйидаги 4 та ўсимликларни: далачой ўти, гулбандли кийик ўти, йирик баргли алқор ўти, қизилмия ўсимликларини нормобарик гипоксияда сичқонлар яшаш давомийлигига таъсирини ўрганишдан бошлашни афзал деб ҳисобладик.

Олинган натижалар ушбу ўрганилаётган ўсимликларда антигипоксантик хоссаси озми кўпми даражада мавжудлигини кўрсатди. Жумладан агар соғлом хайвонлар яшаш даври нормобарик гипоксияда  $2350,0 \pm 123,9$  сонияни ташкил этган бўлса, қизил пойча ёки далачой ўти экстрактини 10 ва 25 мг/кг дозада қабул қилган сичқонларда у мос равишда 19,1% ва 28,7% га узайтирди. Гулбандли кийик ўти экстрактини кўрсатилган дозаларда қабул қилган сичқонларда 12,1% ва 13,8% га ортганлиги намоён бўлди. Йирик баргли алқор ўти экстракти эса 6,8% ва 7,6% га, қизилмия ёки ширин мия илдизи экстракти таъсирида 18,1% ва 26,2% га узайганлиги қайд этилди. Ушбуларни назарда тутиб ўсимликлар экстрактини биргаликда қўллаш яхши натижа берса керак, деган тахмин асосида қўшимча тадқиқот ўтказилди. Олинган натижалар янги фитокомпозициянинг 10 мг/кг дозада қўлланилганида жониворлар ҳаёт давомийлиги нормобарик гипоксияда 24,1% га, 25 мг/кг дозада эса 48,1% га ортганлиги аниқланди.

Хулоса қилиб шуни такидлаш жоизки, ўрганилаётган ўсимликларнинг ҳар бирини антигипоксантлик хоссаси уларни биргаликда қўллаганга нисбатан деярли 2-4 баробар суст бўлганлигидан биз тадқиқотларимизни айнан янги фитокомпозиция - глизимед номи билан атаб ўтказишни мақсад қилдик. Фитокомплекс қуйидаги доривор ўсимликлардан ташкил топган: дағал далачой (*hipericum scabrum* L.), кийик ўти (*ziziphora pedicellata*) алқор ўти (*mediasia macrophylla*) ва ширинмия илдизи (*glycyrhiza glabra* L.)

Гистотоксик гипоксия модели натрий нитропруссидни 20 мг/кг дозада бир марта қорин бўшлиғига юбориш ва гемик гипоксия натрий нитратни тери остига 200 мг/кг дозада юбориш орқали чақирилди. Гиперкапнияли нормобарик гипоксия модели ҳайвонларни 250 см<sup>3</sup> ҳажмли герметик ёпилган камерага жойлаштириш орқали симуляция қилинди. Ҳайвонларда гипобарик гипоксия барокамерада юзага келтирилди, камерада ўрнатилган барометрик босимни узоқ вақт ушлаб турилиши, ҳайвонларга доимий тоза ҳаво порцияларда кириб туриши ва ҳайвонлар ҳолатини кузатиш имконияти таъминланди. Сичқонлар барокамерага жойлаштирилди ва дақиқада 1000 метр тезликда 11000 метр баландликкача кўтарилди. Алоҳида бир қатор экспериментларда, циркулятор гипоксия изадринни 80 мг/кг дозада ҳайвонларга 24 соатлик интервал билан икки марта тери остига юбориш орқали моделлаштирилди. Ўткир ўпка шиши модели лаборатория ҳайвонларига адреналин эритмасини 10 мг/кг дозада қорин бўшлиғига юбориш орқали чақирилди. Гипоксияни моделлаштиришдан бир кун ва бир соат олдин экспериментал гуруҳ ҳайвонларига глизимед эритмаси 10, 25 ва 50 мг/кг, пирацетам - 100 мг/кг ва фитин - 200 мг/кг дозада юборилди. Препаратнинг антигипоксик фаоллиги тажрибада сичқонларнинг умр кўриш давомийлиги назорат гуруҳи билан солиштириш орқали баҳоланди. Ҳайвонларнинг ҳаёт давомийлигини ҳисоблаш гипоксия модели чақирилган вақтдан дарҳол бошланиб, ҳайвонларнинг ўлими иккинчи агонал нафас олиш бўлганидан кейин қайд этилди. Глизимед, пирацетам ва фитиннинг актопротекторлик фаоллиги алоҳида тажрибалар сериясида 19-23 г оғирликдаги оқ сичқонларда ўрганилди, бунда сичқонлар чарчокнинг яққол

белгилари пайдо бўлгунга қадар мажбурий сузишга дучор қилинди. Шунингдек, биотиббий тадқиқотларда, статик куч хусусиятларини Gripstrengthsystem (Италия) қурилмаси ёрдамида панжани ушлаб туриш кучини аниқлаш синовида ва силлиқ вертикал таёқда ҳайвонлар ўзини ушлаб тура олиш вақтини аниқлаш билан ўтказиладиган синовларда аниқлаш мумкин. Глизимеднинг антигипоксанти таъсир механизмининг ўрганиш мақсадида алоҳида тажрибалар сериясида гиперкапнияли нормобарик гипоксия моделида биокимёвий тадқиқотлар ўтказилди. Постгипоксик даврнинг 1, 6 ва 24 соатларида ҳайвонлар енгил эфирли наркоз остида декапитация қилиниб биокимёвий тадқиқотлар учун қон олинди. Қон зардобиди АсАТ, АлАТ, ишқорий фосфатаза ва ГГТ фаоллиги аниқланди; БА-88А биокимёвий анализаторида (Миндрай, Хитой) глюкоза, холестерин, умумий оқсил, албумин, умумий билирубин, мочевина ва креатинин (реактив тўпламлари СYPRESS Диагностик, Бельгия) миқдори, шунингдек, пироузум кислотаси (ПУК) ва сут кислотаси (СК) миқдори аниқлади. Эндоген интоксикация даражаси ва ривожланиши эритроцитларнинг сорбцион қобилияти, ўрта молекуляр пептидлар миқдори ва парамеций тести билан баҳоланди.

Алоҳида бир қатор тажрибаларда жигарнинг микросомал-цитозолик фракциясидаги ЛПО маҳсулотларининг таркиби: МДА ва АцГП миқдори ва АОС ферментлари: СОД ва КТ фаоллиги аниқланди. Шу билан бирга, фитокомпозиция - глизимеднинг ўткир ва субхроник захарлилиги ўрганилди.


Барча тажрибалар “Экспериментал тадқиқотларда фойдаланиладиган умуртқали ҳайвонларни ҳимоя қилиш” бўйича Европа конвенцияси қоидалари (1986) ва халқаро тавсияларга мувофиқ амалга оширилди.

Олинган тадқиқот натижалари статистик усулда Биостат 2009 дастурий таъминот тўплами ёрдамида қайта ишланди, 95% ва ундан юқори эҳтимоллик даражасидаги фарқ ( $p < 0.05$ ) статик жиҳатдан муҳим ўзгариш сифатида қабул қилинди.

Диссертация ишининг «**Фитокомпозиция- глизимедни турли хил генездаги гипоксия кечишига таъсирини ўрганиш**» деб номланган **учинчи бобда** фитокомпозиция- глизимедни лаборатория ҳайвонларида гипоксиянинг турли моделларида патологияни кечишига таъсири ўрганилди. Кислород кириши етишмовчилиги натижасида ривожланадиган гипоксия ҳолати кўпинча табиий офатлар (зилзилалар, кўчкилар ва бошқалар), шунингдек, иш жойлари ташқаридан ҳаво етарлича етказиб берилиши бузилиши эҳтимоли мавжуд бўлган ҳолатларда (сув ости кемалари, ғаввослар, кончилар ва бошқаларда) кузатилади. Шунинг учун, гиперкапния билан кечадиган гипоксия шароитига тананинг чидамлилигини оширувчи дори воситаларини яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Шундан келиб чиқиб, ушбу ишнинг мақсади глизимедни турли хил гипоксиялар кечишига таъсирини пирацетам ва фитин билан қиёсий ўрганиш бўлди.

Аниқландики, нормобарик гипоксия шароитида сичқонларнинг ҳаёт давомийлиги 2160,0 секунддан 2340,0 секундгача ўртача  $2250,0 \pm 24,8$  секундни ташкил этади. Ўрганилган воситалар бир йўналишли таъсир кўрсатиб, сичқонларнинг ҳаёт давомийлигини узайтирди. Глизимед таъсирида экспериментал ҳайвонларнинг ҳаёт давомийлиги воситани 10, 25 ва 50 мг/кг дозаларда қўлланганда назорат гуруҳи билан таққослаганда мос равишда 12,4, 50,7 ва 40,0% га узайиши кузатилди. Гипоксиянинг ушбу моделида фитин сичқонларнинг ҳаёт давомийлигини 36,9%, парацетам эса 36,0% узайтирди.



**1-расм. Глизимед, парацетам ва фитинни сичқонларнинг нормобарик гиперкапнияли гипоксияга чидамлилигига таъсири.**

Бинобарин, глизимед яққол антигипоксанти фаолликка эга бўлиб, у фармакологик таъсир кўрсатиши бўйича, айниқса 25 мг/кг дозада маълум бўлган антигипоксантилардан яққол устун эканлигини кўрсатди.

Асосан, янги антигипоксанти дори воситалари гипобарик гипоксия моделида синовдан ўтказилиши лозим. Глизимед, фитин ва парацетам таъсирида сичқонларнинг ҳаёт давомийлиги назорат гуруҳи билан таққослаганда статистик жиҳатдан сезиларли даражада ошади. Шундай қилиб, глизимед таъсирида 10 мг/кг дозада ҳайвонларнинг ҳаёт давомийлиги узайиши 26,9% ни, 25 мг/кг дозада эса - 140,4% ва 50 мг/кг дозада - 129,8% ни ташкил қилди. Ушбу гипоксия моделидаги фитин ва парацетам сичқонларнинг ҳаёт давомийлигини мос равишда 128,1 ва 123,8% га узайтирди.

Клиник амалиётда гипоксия ҳолати кўпинча газ-транспорт тизимлари ёки метаболик жараёнларнинг бузилишлари, жумладан, маълум бир захарли моддалар (цианидлар, углерод оксиди ва бошқалар) билан захарланиш билан боғлиқ ҳолатларда кўп кузатилади. Шундан келиб чиқиб, алоҳида қатор тажрибаларда, глизимеднинг антигипоксанти фаоллиги натрий нитрит томонидан чақирилган гемик гипоксия шароитида ўрганилди.


Тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатдики, натрий нитритни парентерал юборишдан кейин сичқонларнинг ҳаёт давомийлиги 420,0 секунддан 720,0 секундгача ўртача  $560,0 \pm 44,1$  секундни ташкил этди. Пирацетамни профилактик қўлланилиши сичқонларнинг умрини 2 баробарга узайтирди. Фитин препарати қўлланганда янада юқори фармакологик фаоллик аниқланди, яъни унинг таъсири остида сичқонларнинг ҳаёт давомийлиги муддати назоратга нисбатан 2,2 баробарга узайиши аниқланди. Глизимед шунга ўхшаш, дозага боғлиқ ва биров кучлироқ таъсирга эга бўлди. Шундай қилиб, агар у 10 мг/кг дозада сичқонларнинг умрини 37,5% га узайтирса, 25 мг/кг дозада 141,1% га (2,4 марта) ва препарат дозасини 2 марта оширилганда эса сичқонларнинг ҳаёт давомийлигини 133,9% (2,34 марта) узайтирди. Кўришиб турибдики, глизимеднинг фаоллиги гемик гипоксия моделида машҳур антигипоксантилардан кам эмас, балки уларнинг фаоллигидан устун бўлди.

Патологик шароитда митохондрияларда содир бўладиган оксидланишли фосфорилланиш жараёнларининг бузилишида, маълумки, электрон ташиш занжирининг блоккланиши ва Кребс цикли ферментлари фаоллигининг пасайиши натижасида юзага келадиган паст энергияли ҳолат етакчи омил ҳисобланади. Гистотоксик гипоксия модели Кребс цикли субстратларининг анаэроб оксидланиши шароитида антигипоксанти таъсирга эга бўлган янги бирикмаларни синаш учун адекват моделлардан биридир. Шундай қилиб, агар машҳур антигипоксанти - пирацетам натрий нитропруссидни парентерал юборишдан сўнг сичқонларнинг ҳаёт давомийлигини назорат гуруҳига нисбатан 53,2% га узайтирган бўлса, фитин уни 60,0% га узайтирди. Шу билан бир вақтда, глизимед 10, 25 ва 50 мг/кг дозаларда мос равишда 23,4, 65,9 ва 55,3% га узайтирди. Кўришиб турибдики, глизимед фармакологик фаоллиги бўйича 50 мг/кг, айниқса 25 мг/кг дозада пирацетам ва фитиндан қолишмайди.

Оғир жисмоний зўриқиш пайтида гипоксия чарчокнинг ривожланишида муҳим рол ўйнайди ва тананинг иш фаолиятини сезиларли даражада чекланишига олиб келади. Ҳар хил турдаги гипоксия шароитларида, антигипоксантиларни қўллаш билан биологик объектларнинг яшовчанлик даражасининг ошиши ўрганилаётган бирикмаларнинг актопротектив фаоллигини таъминлаши керак. Ҳақиқатан ҳам, синалаётган восита билан олдиндан 10 ва 25 мг/кг дозада даволанган сичқонларда мажбурий сузиш давомийлиги назорат гуруҳи билан солиштирилганда мос равишда 9,3 ва 44,0% га ошди. Препаратнинг дозасини икки марта ошириш (50 мг/кг гача) таъсирнинг ошишига олиб келмади, аммо бу ҳайвонларнинг иш қобилиятини назорат гуруҳига нисбатан статистик жиҳатдан сезиларли даражада 34,5% га

ошишини таъминлади. Тажрибаларда фитин сичқонларнинг иш фаолиятини 37,0% га, парацетам эса 34,0% га оширди.

Экспериментал ҳайвонларда иш қобилиятини актопротекторларни киритиш орқали баҳолаш билан бир қаторда, юк билан чегараланган сузиш синови ҳам қўлланилади, бунда ҳайвонлар ишлашидаги аралаш (анаэроб - аэроб) компонентини баҳолашга имкон беради.



**2-расм. Глизимед, парацетам ва фитинни сичқонларда мажбурий сузиш давомийлигига таъсири.**

Ушбу бир қатор тажрибалар натижалари шуни кўрсатдики, агар соғлом сичқонларда юксиз сузишнинг давомийлиги 10260 секунддан 14940 секундгача ўртача  $12630 \pm 701,7$  секунд бўлса, соғлом сичқонларда юк билан сузиш давомийлиги ўртача 664 секунддан 932 секундгача ўртача  $795,3 \pm 35,25$  секунд бўлди. Кўриниб турибдики, юклама сичқонларнинг жисмоний кўрсаткичларини сезиларли даражада пасайтиради, аммо ўрганилаётган препаратларни киритиш, ҳатто бу ҳолатда ҳам, мажбурий сузиш давомийлигини оширади. Парацетам ва фитин киргизилган сичқонларда сузиш давомийлиги мос равишда 32,2 ва 39,0% га, глизимед таъсирида эса 69,2% га ошди. Олдинги тажрибалар серияси (юксиз сузиш) ва ҳозирги тадқиқот натижаларини солиштирганда, парацетам ва фитиннинг актопротектив хусусиятлари юклама билан ва юкламасиз ўтказилган тажрибаларда ўзгармаслигини таъкидлаб ўтиш керак. Шу билан бирга, глизимед таъсирида бу кўрсаткич 25,0% дан кўпроқ ошади.

Маълумки, ҳаёт сифатининг асосий таркибий қисмларидан бири бўлган касбий фаолиятда жисмоний имконият ва меҳнат қобилиятининг фақат кичик бир қисмигина иштирок этади. Жисмоний кўрсаткичларни оширувчи

фармакологик воситалар касалликдан кейин тананинг функционал ҳолатини тўлиқ тикланиш жараёнини сезиларли даражада тезлаштириб бериши мумкин.

Шундан келиб чиқиб, алоҳида бир қатор тажрибаларда глизимед, пирацетам ва фитиннинг жисмоний кўрсаткичларни сақлашга таъсирини ўрганиб чиқдик.

Ўтказилган тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатдики, интакт сичқонларнинг сирпанчиқ таёқчада (назорат гуруҳи) ҳайвонларни ушлаб туриш вақти ўртача  $5,27 \pm 0,10$  секундни ташкил этди, бу кейинги 60 дақиқа давомида сезиларли ўзгаришларсиз қолди. Пирацетамни профилактик қўлланилиши сичқонларнинг ушлаб туриш муддатини 32,5% га, фитинда - 61,2% ва глизимедда - 78,0% га ошишига олиб келди.

Бинобарин, ўрганилган антигипоксантилар нафақат жисмоний кўрсаткичларни, балки унинг сақланиб туришини ҳам оширади.

Экспериментал тадқиқотларда жисмоний иш қобилиятини баҳолашда организмнинг турғун куч хусусиятларига муҳим ўрин берилади. Шу мақсадда, кичик лаборатория ҳайвонларининг ушлаш кучини баҳолаш тести энг кўп қўлланилади.

Шу мақсадда ўтказилган фармакологик тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатдики, соғлом сичқонларда 1 соатдан сўнг ҳайвонларнинг ушлаш кучини дастлабки кўрсаткичлар билан солиштирганда сезиларли фарқ аниқланмади. Пирацетам олдиндан киргизилишидан 1 соат ўтгандан сўнг панжанинг ушлаш кучини 30,6% га ошишига олиб келди. Фитин ва глизимед ҳам сичқон панжаларининг ушлаш кучини оширди. Фитин препаратини профилактик тарзда олган ҳайвонлар гуруҳида, препарат киритилишидан аввал ушлаш кучи  $117,30 \pm 4,73$  г ни ташкил этди ва препарат киритилгандан 1 соат ўтгач эса  $162,50 \pm 5,14$  г гача ошди, яъни ушлаш кучи дори таъсирида 38,8% га ортди. Глизимед профилактик тарзда киритилган ҳайвонлар гуруҳида эса юқори кўрсаткич қайд этилди, яъни ўсиш 44,3% ни ташкил этди.

Шундай қилиб, глизимед яққол антигипоксанти ва актопротектив таъсирга эга, эҳтимол ушбу самара сут эмизувчилар танасида бир қатор ижобий биокимёвий ва функционал ўзгаришларнинг ривожланиши натижасида юзага чиқади.

Диссертациянинг тўртинчи боби «Глизимед – **фитокомплексини циркулятор ва респиратор гипоксиялар кечишига таъсирини ўрганиш**» бағишланган. Турли хил этиологик омиллар таъсирида ривожланувчи гипоксия кўплаб патологиялар, шу жумладан юрак-қон томир тизими касалликларида фармакотерапия самарадорлигини сусайтирувчи сабабларидан бири ҳисобланади. Гипоксия турли хил патологик ҳолатлар ривожланишида хавфли омиллардан бири эканлигига эътибор қаратиш лозим. Шу билан бирга, гипоксия критик ҳолатлар патогенезида, шу жумладан ўткир ва сурункали юрак етишмовчилигида триггер омил ҳисобланади. Патологик ҳолатлар фармакотерапияси самарадорлигини ошириш учун этиологик омилни бартараф этиш билан бир қаторда антигипоксантилар ёрдамида органларнинг кислород етишмовчилигига чидамлилигини ошириш зарур.



Ушбу ҳолатни ҳисобга олган ҳолда, пирацетам, фитин ва глизимедларни сурункали юрак етишмовчилиги (СЮЕ) бўлган ҳайвонларнинг иш қобилиятига таъсири қиёсий жиҳатдан ўрганилди. Олинган натижалар шуни кўрсатдики, агар соғлом ҳайвонларда 7,5% ли юклама билан сузиш давомийлиги ўртача  $601,8 \pm 27,7$  секундни ташкил этса, юрак етишмовчилиги модели ҳосил қилинган ҳайвонларда бу кўрсаткич 2 мартадан кўпроққа қисқарди ( $287,8 \pm 15,2$  секунд).

Шундай қилиб, СЮЕ тананинг иш қобилиятини камайишида муҳим омилларидан биридир.

СЮЕ чақирилган ҳайвонларда пирацетам билан экспериментал терапия ўтказилганда сузиш давомийлиги назорат гуруҳи билан солиштирганда 78,4% га ва фитин билан солиштирганда эса 68,6% га ошишига олиб келди. Шу билан бирга, СЮЕ билан касалланган ҳайвонларда глизимед билан даволанганда юклама берилганда сузиш давомийлиги назорат гуруҳига нисбатан 114,9% га ошди ва интакт каламушларнинг қийматларидан деярли фарқ қилмади.

Шундай қилиб, юқоридаги натижаларга асосланиб, ўрганилган бирикмалар айниқса, янги фитокомпозицияни СЮЕ ҳосил қилинган ҳайвонларнинг иш қобилиятини сезиларли даражада оширади деган хулосага келиш мумкин.

Нафас олиш тизимининг патологияси нафақат сатурация кўрсаткичларини сезиларли ўзгариши, балки гиперкапник гипоксияга олиб келувчи карбонат ангидриднинг танада тўпланиб қолиши ҳамроҳ бўлади. Бундай аҳамиятли ўзгаришлар айниқса ўткир нафас етишмовчилигида (ўпка шиши) қайд этилади. Фитокомплекс - глизимед гиперкапнияли нормобарик гипоксияда соғлом ҳайвонларнинг умрини сезиларли даражада узайтириш хусусусияти мавжудлиги сабабли, уни респиратор гипоксия - ўпка шиши модели ҳосил қилинган ҳайвонларнинг умри давомийлигига таъсирини ўрганиш катта қизиқиш уйғотди. Ўпка шиши ҳосил қилинган интакт каламушларнинг умр кўриш давомийлиги  $350,0 \pm 17,9$  секундни ташкил этди. Бундан фарқли ўлароқ, пирацетам билан профилактик даволанган ҳайвонлар гуруҳида бу кўрсаткич 31,4% га чўзилди. Фитин препарати киритилган ҳайвонларда бир оз яққолроқ ифодаланган таъсирни (40,0% га) ва глизимед билан даволанган ҳайвонлар гуруҳида эса энг кўп ифодаланган ижобий таъсирни (48,6% га) қайд этдик.

Юқоридаги тажриба натижаларини умумлаштириб, биз ўрганилган воситалар ва фитокомплекс ўпка шиши натижасида келиб чиқувчи оқибатга сезиларли даражада таъсир қилади деган хулосага келишимиз мумкин.

Бешинчи боб «Глизимедни антигипоксанти таъсир механизларини ўрганиш»да антигипоксанти таъсирнинг баъзи эҳтимолий механизлари кўриб чиқилган. Экстремал шароитларда тўқималар ва тизимларни энергия билан таъминлаш, маълумки, биринчи навбатда ҳақли равишда энергия алмашинувининг асосий субстрати ҳисобланувчи глюкоза томонидан таъминланади. Кислород етишмовчилиги шароитида, маълумки, глюкоза оксидланиши анаэроб фазада давом этади, бунинг натижасида эса

тўқималарда пирозум кислота (ПУК) ва сут кислотаси (СК) ҳосил бўлиши билан бирга кечади. Антигипоксанти таъсир механизмини ўрганиш нуқтаи назаридан, гипоксияга учраган ҳайвонларнинг қон зардоби таркибидаги глюкоза, СК ва ПУК миқдорини таъсирини ўрганиш муҳимдир. Қоннинг биологик объект сифатида танланиши кислород танқислиги шароитида оксидланишнинг аэроб фазасини ингибирланиши тўқималардан қонга ПУК ва СК чиқишига олиб келиши билан боғлиқ.

